

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi
ЕРЛАРНИ БАҲОЛАШ ВА ЕР СОЛИҒИ.

“Ўздаверлойиҳа” ДИЛИ

таянч докторанти

Шукурбеков И.Б.

Аннотация. Республикаиздаги қишлоқ хўжалик мақсадлари учун мўлжалланган ерларни баҳолаш, ушибу ерларни ер солиги ва улардан самарали фойдаланиш бўйича масалалари ёритилди.

Таянч сўзлар: иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, ер солиги, ягона ер солиги, чорвачилик, баҳолаш, фермер хўжалиги, тупроқ, бозор, гўшт, боғдорчилик, ҳосилдорлик, сабзавотчилик.

Аннотация. Освещены вопросы, связанные с оценкой земель сельскохозяйственного назначения, земельный налог и эффективное использование земель в нашей республике.

Ключевые слова: экономика, сельское хозяйство, земельный налог, единый земельный налог, животноводство, оценка, фермерское хозяйство, почва, рынок, мясо, садоводство, урожайность, овощеводство.

Annotation. Issues related to the assessment of agricultural land, land tax and efficient use of land in our republic are covered..

Base words: economics, agriculture, land tax, single land tax, livestock farming, assessment, farming, soil, market, meat, gardening, crop yield, vegetable growing.

Бугунги кунда ҳаётимизни яхшилаш, аҳоли турмуш даражасини кўтариш, иқтисодиётимизнинг самарадорлигини ошириш, халқимизни боқиш, истиқболимизни режалаш - хуллас, қандай муаммо, қандай масалани кўрмайлик, уларнинг аксарияти биринчи навбатда қишлоқ хўжалигига бориб тақалади. Ҳаммамизни боқадиган, озуқа берадиган соҳа - қишлоқ хўжалиги тармоқлариидир.

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

Қишлоқ хўжалиги моддий ишлаб чиқариш соҳаларидан бири бўлиб, у дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш билан шуғулланади аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари ва халқ хўжалигининг бир неча тармоқларини хомашё билан таъминлайди. Дехқончилик ва чорвачилик қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқлари бўлиб, улар ўз навбатида қуйидаги кичик тармоқларга бўлинади: дехқончилик - далачилик, сабзавотчилик, полизчилик, боғдорчилик, ўрмончилик ва бошқалар; чорвачилик-қорамолчилик, йилқичилик, қўйчилик, паррандачилик ва шу кабилар. Жаҳон бўйича иқтисодий фаол аҳолининг 45,2% қишлоқ хўжалиги билан шуғулланади. Қишлоқ хўжалигига фойдаланиладиган ер майдони 13 387,0 млн га (шундан 271,4 млн га суғориладиган ерлар) бўлиб, буғдой етиштириш ҳажми 583,6 млн т, шоли - 596,4 млн т, маккажӯхори - 600,4 млн т, арпа - 130,0 млн т, картошка - 294,3 млн т, мевалар - 444,6 млн т, пахта толаси - 25,1 млн тоннани ташкил этади. Жаҳон бўйича 1 338,2 млн бош қорамол, 1 068,6 млн бош қўй, 709,8 млн бош эчки, 14 139 млн бош товуқ боқилади. Ҳар йили 225,9 млн т гўшт, 480,6 млн т сут тайёрланмоқда. Дехқончилик қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш, улар ҳосилдорлигини ошириш, ердан унумли фойдаланиш ва тупроқ унумдорлигини ошириш ҳақидаги фандир. Тупроқнинг табиий унумдорлигини сақлаган ҳолда унинг маҳсулдорлигини юксалтириш ҳар доим дехқончиликнинг асосий вазифаси бўлиб келган. Зеро, шу масаланинг ижобий ҳал этилиши қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг тараққиётини таъминлайди. Республикализнинг умумий ер майдони 447,4 минг км² бўлиб, унинг атига 10% экинзорлар билан банд. Суғориладиган ер майдони 4,3 млн ва лалмикор дехқончилик майдони 743 минг гектарни ташкил этади. Республикаизда етиштирилаётган қишлоқ хўжайиги маҳсулотларининг 97% суғориладиган ерлардан олинмоқда [6].

Ўзбекистон Республикасида ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш пуллик ҳисобланади. Ер учун тўловларни киритишдан асосий мақсад ердан оқилона фойдаланишни рағбатлантириш, ерларни ўзлаштириш ва муҳофаза қилиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, турли сифатли ерларда хўжалик

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

юритишининг ижтимоий-иктисодий шароитларини тенглаштириш ҳисобланади. Ер учун тўловлар уч хил шаклда мавжуд:

- ер солиғи, ижара ҳаки, ернинг меъёрий қиймати Ўзбекистонда амалга оширилган молия-кредит ислоҳоти натижасида фермер хўжаликларини солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш қўйидаги босқичларда амалга оширилди: 1991-1994 йилларда - ер учун солик, 1995-1998 йилларда – ер солиғи; 1999-йилдан - қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларининг бюджетга тўловларини ихчамлаштириш мақсадида - ягона ер солиғи шаклида амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998-йил 10-октябрдаги фармони[2] ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998-йил 26-декабрдаги 539-сонли қарорига [4] мувофиқ 9 хил солик бирлаштирилиб, ягона ер солиғи жорий қилинди. Яъни, аниқроқ қилиб айтилганда, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғи қўйидаги солик ва йиғимлар ўрнига жорий этилди:

- даромад (фойда) солиғи;
- қўшилган қиймат солиғи;
- экология солиғи;
- сув ресурсларидан фойдаланганлик тўғрисида солик;
- ер солиғи;
- ер остидан фойдаланганлик учун солик;
- мол-мулк солиғи;
- ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш солиғи;
- бошқа махаллий солик ва йиғимлар.

Ягона ер солиғини тўловчиларига Ўзбекистон Республикаси Солик кодексининг 362-моддасига мувофиқ:

• қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар (шу жумладан фермер хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги кооперативлари, агро фирмалар);
• қишлоқ хўжалиги йўналишидаги илмий-тадқиқот ташкилотларининг тажриба-экспериментал хўжаликлари ва таълим

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

муассасаларининг ўқув-тажриба хўжаликлари киради.

Фермер хўжаликларининг давлат билан бўладиган иқтисодий муносабатларини такомиллаштириш ва уларнинг ҳолатини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 2 октябрдаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан айрим тоифадаги юридик шахсларга мол-мулк солиғи, ер солиғи, ягона ер солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича имтиёзлар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 281-сонли қарори [5] ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012-йил 22-октябрдаги “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-4478-сонли Фармони[3] қабул қилинди. Ушбу фармонга асосан: фермерлар кенгашларига фермер хўжаликлиари манфаатларини кўзлаб даъво аризаларини судга давлат божи тўламасдан шикоят қилиш; пахта терими ишларга жалб қилинган ишчиларни жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тўлашдан озод қилиш; томчилатиб суғориш тизимини жорий қилган юридик шахсларнинг томчилатиб суғоришдан фойдаланилаётган ер участкаларига ягона ер солиғи тўлашдан беш йил муддатга озод қилиниши белгилаб қўйилган.

Кишлоқ хўжалик ерлари халқимиз учун ниҳоятда аҳамиятлидир. Кишлоқ хўжалик ерларидан самарали фойдаланиш тупроқнинг сифат жиҳатдан баҳоланишига боғлиқ. Чунки тупроқ унумдорлиги юқори бўлса, маҳсулотнинг сифатли етиштирилиши шунча яхши бўлади. Ернинг сифат жиҳатдан баҳоланиши экин майдони - даланинг ҳар бир картасига кўра сифат кўрсаткичлари ўтган 3-5 йилнинг якунларига солиштирилади. Бу усулни одатда ерни паспортлаш дейилади. Ер кадастрлари деб, далалар карталарини бир-бирига ҳар томонлама солиштириш асосида уларни иқтисодий баҳолашга айтилади.

Кишлоқ хўжаликларига сувни ўз вақтида етказиб беришни ташкил этиш учун бошқарув тизимини бозор муносабатларида шакллантириб,

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш лозим. Қишлоқ хўжалик корхоналарига сувни етказиб бериш ва ундан фойдаланишда ернинг мелиоратив ҳолатига, шунингдек мелиоратсия тизимиға эътибор бериш керак [7].

Хулоса қилиб айтганда аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига ва саноатнинг хомашёга бўлган ўсиб бораётган эҳтиёжини қондириш ер ва сув ресурсларидан янада оқилона фойдаланишни, улар ҳосилдорлигини оширишни, чорвачилик маҳсулдориигини кўпайтиришни тақозо қиласди.

Ягона ер солиғининг жорий этилиши хўжаликлар учун анча қулайлик туғдирди. Чунки 10 та солиқ тури бўйича ҳисоб-китоб қилгандан кўра, ягона солиғини ҳисоблаш анча енгил. Ягона ер солиғининг жорий этилиши билан хўжаликлар томонидан бюджетга тўланаётган сумма қисқаргани йўқ, балки анчага ошади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси. Тошкент., Адолат, 1998 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998-йил 10-октябрдаги ПФ-2086-сон “Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғини жорий этиш тўғрисида”ги Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012-йил 22-октябрдаги “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-4478-сонли Фармони
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998-йил 26-декабрдаги 539-сон “Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғининг муваққат базавий ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012-йил 2-октябрдаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан айrim тоифадаги юридик шахсларга мол-мулк солиғи, ер солиғи, ягона ер солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

солиги бўйича имтиёзлар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 281-сонли қарори

6. З.А.Артукнетов; Қишлоқ хўжалиги асослари: касб-хунар коллежлари учун ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус ва касб-хунар таълими маркази -Тошкент: Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти нашриёти, 2012. - 128 б.

7. Эргашев Р.Х; Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти - 7 (дарслик), - Т,: “EXTREMUM PRESS ”. 2011,416 б